O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2007 йил 13 декабрь, № 246 (4399) Пайшанба

# ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 декабрь куни Оқсаройда Корея Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, молия ва иқтисодиёт вазири Квон О Кюни қабул қилди.***





— Сизнинг ташрифингиз Ўзбекистон — Корея ҳамкорлиги изчил ривожланиб бораётганининг яна бир тасдиғидир, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Биз Корея Республикасини Ўзбекистоннинг ишончли шериги, деб биламиз.

Корея Республикаси мустақиллигимизнинг илк давридан бошлаб мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларни кенг қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ўзаро ҳамкорлик йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётир. Бунда икки давлат раҳбарларининг ўзаро алоқаларни ривожлантириш борасидаги қарашлари ўхшашлиги, бир-бирига ишонч ва ҳурмати, ҳамкорликдан икки томон ҳам манфаатдор экани муҳим асос бўлиб хизмат қилаётир.

Корея Республикаси Президенти Но Му Хённинг 2005 йил май ойида Ўзбекистонга ташрифи чоғида Президент Ислом Каримов мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни стратегик шериклик даражасига кўтаришни таклиф қилган эди. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил март ойида Сеулга ташрифи асносида Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланиб, ҳамкорликни янги босқичга кўтаришнинг ҳуқуқий асоси яратилди.

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг йирик иқтисодий шерикларидан биридир. Мамлакатларимиз ўртасида 1992 йилдан буён энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қилади. Жанубий Кореянинг Ўзбекистонга шу вақтгача киритган жами сармояси бир ярим миллиард АҚШ долларидан ошади.

Ўзбекистонда Корея Республикаси билан ҳамкорликда саноатнинг янги соҳаси — автомобилсозлик йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Сўнгги йилларда ёқилғи-энергетика мажмуидаги ҳамкорлик ҳам фаоллашмоқда.

Мамлакатимизда Корея Республикаси сармоядорлари билан ҳамкорликда тузилган 138 та қўшма корхона, ушбу давлатнинг 37 та компанияси ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Корея Республикаси Экспорт-импорт банкининг Тошкент шаҳридаги ваколатхонасини рўйхатга олди. Бу билан юртимизда ваколатхона очган хорижий банклар сони ўнтага етди.

Корея Республикаси Эксимбанки томонидан Ўзбекистонга жами 120 миллион АҚШ доллари миқдорида узоқ муддатли имтиёзли кредит тақдим этилган бўлиб, шундан 14 миллиони телекоммуникация тармоқларини ривожлантиришга, 76 миллиони касб-ҳунар коллежларини ва 30 миллиони эса умумтаълим мактабларини жиҳозлашга йўналтирилди.

Айни пайтда "Асакабанк"ка ажратилган 20 миллион долларлик кредит линияси мамлакатимиз автомобилсозлик саноати ривожига йўналтирилган. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига ажратилган 10 миллион долларлик кредит линияси эса кичик корхоналарни ривожлантиришни назарда тутади.

Квон О Кю самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Корея Республикаси Ўзбекистон Республикаси билан банк-молия соҳасидаги алоқаларни, сармоявий ҳамкорликни изчил ривожлантириш тарафдори эканлигини алоҳида таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида савдо, иқтисодиёт ва сармоя соҳаларидаги кенг қамровли ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.**

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияни (Париж, 2003 йил 17 октябрь) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 21 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 1 декабрда маъқулланган

Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция (Париж, 2003 йил 17 октябрь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 12 декабрь
№ ЎРҚ — 122

***Жойларда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири 12 декабрь куни Қўқон шаҳрида бўлиб ўтди. Унда сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидов фарғоналик сайловчилар билан учрашди.***

# АКМАЛ САИДОВНИНГ ФАРҒОНАЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 12-Фарғона округ сайлов комиссиясининг раиси Р. Тожиев очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, "Тадбиркор аёл" уюшмаси Қўқон шаҳар бўлими раҳбари Соҳибахон Эргашева йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли ва дастури билан таништирди. Дастурда мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш изчил давом этаётгани таъкидланган. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари олий қадрият сифатида эътироф этилиб, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, суд-ҳуқуқ тизими, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маънавий-маърифий соҳалардаги ислоҳотлар шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда. Юрт истиқболининг эгалари бўлган ёшлар камолоти йўлида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод А. Саидов нутқ сўзлади.

Учрашувда сўзга чиққан данғаралик шифокор Фароғат Эгамбердиева, Қўқон шаҳридаги "Азим" ёшлар ўқув маркази раҳбари Камолхон Раҳмонқулов, "Анис" ўқув маркази раҳбари Алишер Собиров, Қўқон давлат педагогика институти ўқитувчиси Эътиборхон Мамажонова ва бошқалар номзоднинг дастури ҳақида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Сайловчиларни 2007 йил 23 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўп партиявийлик ҳамда муқобиллик асосида, жумладан, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи томонидан кўрсатилган номзод иштирокида ўтаётгани мамлакатимизда демократия тамойилларига тўла амал қилинаётганидан, миллий сайлов тизимимиз халқаро нормаларга тўла мос келишидан яққол далолатдир.

**М. СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ИНДОНЕЗИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

***Мамлакатимизга ташриф буюрган Индонезия Халқ вакиллари кенгаши Спикери Агунг Лаксоно раҳбарлигидаги делегация аъзолари 12 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов билан учрашди.***

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Индонезия парламентларининг ўзаро алоқалари ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

— Барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётган Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тарафдоримиз, — деди А. Лаксоно.

Ўзбекистон ва Индонезия олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Томонлар парламентлараро алоқаларни янги босқичга кўтариш учун барча имкониятлар мавжудлигини қайд этиб, мазкур йўналишдаги ҳамкорликни янада фаоллаштиришга келишиб олдилар.

Шу куни Индонезия парламенти делегацияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Илгизар Собиров билан музокара ўтказди.

Учрашув чоғида икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентлараро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Индонезия делегацияси аъзолари Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолияти билан танишдилар.

Меҳмонлар "В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акционерлик жамиятида бўлиб, мамлакатимиз авиасозлик саноати фаолияти билан яқиндан танишдилар. А. Лаксоно Ўзбекистон авиасозлик саноати бўйича катта тажрибага эга эканини қайд этди.

Делегация аъзолари Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатларни кўздан кечирдилар.

**(ЎзА).**



# ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

***12 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

Депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Кенгаши таклиф этган кун тартибини тасдиқладилар.

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси Н. Сиддиқов «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари иштирок этган савол-жавоблар ва ҳужжатнинг моддама-модда муҳокамасидан кейин Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

«Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси А. Бойқулов тақдим этди. Депутатлар қонун лойиҳасининг ҳар бир моддасини батафсил кўриб чиқиб, муҳокама чоғида билдирилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда уни иккинчи ўқишда қабул қилдилар.

«Вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Ф. Комилов маъруза қилди. Ҳужжатни такомиллаштириш юзасидан бир қатор таклифлар билдирилган муҳокамадан кейин Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси Р. Рўзметов тақдим этди. Савол-жавоблар ва ҳаво транспорти соҳасидаги миллий қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш муҳим эканлиги таъкидланган муҳокамадан кейин депутатлар қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

**(ЎзА).**

# МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, шу соҳа мутахассислари иштирок этди.***

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг ушбу соҳага оид айрим қонунлари ижроси таҳлил қилинди, давлат идораларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишда интерактив хизмат кўрсатиш, идоралараро ҳужжат айланиши тизимини ташкил этиш масалалари муҳокама этилди. Мамлакатимизда электрон тижорат ва электрон тўловлар тизимларини жорий этиш даражаси, уларни ривожлантириш борасидаги муаммо ва камчиликлар ҳам батафсил кўриб чиқилди.

**(Давоми 2-бетда).**

***Деҳлида «Жанубий, Жануби-ғарбий ва Марказий Осиё мамлакатларида таълим масалаларини глобал қўллаб-қувватлаш» мавзуига бағишланган минтақавий конференция бўлиб ўтди. ЮНЕСКО ва Ҳиндистон Республикаси ҳукумати ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда ЮНЕСКО Бош директори Коичиро Мацуура, шунингдек, Осиё мамлакатларидан, жумладан, Ўзбекистондан таълим тизими бўйича эксперт ва етакчи мутахассислар иштирок этди.***

# Ўзбекистон тажрибаси яна бир бор эътироф этилди

**Дунё нигоҳи**

Конференцияда таълим даражаси ҳар бир мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг асосий кўрсаткичларидан бири эканлигига эътибор қаратилар экан, бу борада минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш ва ЮНЕСКО ташкилоти кўмагида қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Таълим соҳаси экспертлари ўз маърузаларида Осиё қитъасида жойлашган мамлакатлар аҳолисининг саводхонлик даражаси ўртасидаги фарқни камайтириш юзасидан амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш заруратини алоҳида таъкидладилар. Масалан, бугунги кунда Марказий Осиё мамлакатларида аҳолининг қарийб 100 фоизи саводхон бўлса, бу кўрсаткич Шри-Ланкада 75 фоизни, Ҳиндистонда эса 62 фоизни ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги вакили Ҳикматилла Даминовнинг мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, шунингдек, ўқув жараёнларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш бўйича Ўзбекистон ҳукумати томонидан олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳақидаги маърузаси конференция иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

**Садриддин СУЯРОВ,**
**«Жаҳон» АА мухбири.**
Деҳли

# ҚАЛБ МЕҲРИМИЗ — БОЛАЖОНЛАРГА!

**Муносабат**

Тарихчи бўлганим учун ҳам ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий аҳвол билан ҳамиша қизиқаман. Телевидение, радио, матбуот нашрлари орқали энг сўнгги хабарлар билан танишиб бораман. Назаримда, ер юзида қисқа муддатда Ўзбекистон каби барча соҳаларда, хусусан, таълим жараёнида бу каби юксалиш бўлган эмас. Бундай ривожланишнинг бош омили мамлакатимизда тўғри йўлнинг танлангани, муҳтарам Юртбошимизнинг узоқни кўра билиши, унинг доно сиёсатидир.

Бундай юксалиш бутун дунёда тан олинаётгани ҳам ҳақиқат. Масалан, яқинда Россия Федерацияси ҳукумат раҳбари В. Зубков телевидение орқали чиқишида Ўзбекистондаги кенг кўламли ислоҳотлар, жумладан, таълим тизимини ривожлантириш борасидаги ишларга юксак баҳо берди. Ва ўз юртидан Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш учун мутахассислар юборишини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимиз Президенти мустақиллигимизнинг 16 йиллигига бағишланган маърузасида республика умумий даромадининг 12 фоизи халқ таълими учун ажратилаётганини айтди. Табиийки, бу соҳага эътибор ниҳоятда катта эканлигидан далолатдир. Негаки, ҳатто кўпгина ривожланган мамлакатларда ҳам мазкур рақам беш фоиздан ошмайди.

Биргина вилоятимизда кейинги тўрт йилда 505 та мактаб янгидан қурилди ва қайта реконструкция қилинди. Бундан ташқари, 65 та спорт иншооти барпо этилди.

Келгуси йилда келажагимиз эгаларига бўлган эътибор янада ошади. Зотан, Юртбошимиз томонидан 2008 йилнинг "Ёшлар йили" деб эълон қилинганлиги барчамизнинг кўнглимиздаги ниятнинг рўёби бўлди. Бундан мен каби муаллимлар, албатта, фахрланамиз.

Мактаб директори сифатида шу нарса мени қувонтирадики, таълим тизимидаги ислоҳотлар туфайли мактабимиз жамоаси молиявий мустақилликка ҳам эришди. Директор жамғармаси орқали ўз устида ижодий ишлайдиган, тинимсиз ўқиб изланадиган, бутун қалби, борлиғи билан болаларга таълим-тарбия бераётган муаллимларимиз ойлик маошига устамалар тўланаётир. Шундай қилиб, ўқитувчиларимиз ўртасида соғлом ва ижодий рақобат пайдо бўлди. 140 нафар педагогимиздан 50 фоизи касб маҳорати ва таълимда эришаётган самаралари учун ана шундай молиявий имкониятлардан фойдаланмоқда. Энг муҳими, мактабимизда таълим ва тарбия сифати янги босқичга кўтарилди.

Бундан салгина аввал биз ўз молиявий муаммоларимизни туман халқ таълими бўлими ва молия бўлими орқали ҳал этган бўлсак, ҳозирга келиб, бу борадаги фаолиятимиз ҳам мустақил равишда юритилмоқда. Мана шунинг ўзи демократиянинг амалий исботидир.

Шундай юртда туғилиб ўсганимдан, гўзал ва бетакрор, озод мамлакатда фаолият юритаётганимдан чексиз шодман. Миллатим украин бўлсада, қалбан ўзбекман. Узоқ йиллик меҳнатларим ҳукумат томонидан юксак қадрланди. "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" унвони билан тақдирландим. Мукофотни қадрли Президентимизнинг қўлларидан олганлигим эса зиммамдаги масъулиятни юз карра оширади. Ишончим комилки, ҳалол ва самарали меҳнат ҳеч қачон эътиборсиз қолмайди.

**Людмила ШУЛЬГА,**
**Пайариқ тумани**
**6-умумтаълим мактаби директори.**

**«ХАЛҚ СЎЗИ» ГАЗЕТАСИГА 2008 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. ОБУНАНИ ЎЗ ВАҚТИДА РАСМИЙЛАШТИРИШНИ УНУТМАДИНГИЗМИ?** Нашр кўрсаткичимиз — 229

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Бекатдаги фожиа

***Лас-Вегасдаги мактаблардан бири яқинидаги бекатда номаълум жиноятчилар болаларга қарата ўқ отишган.***

Натижада 6 нафар ўқувчи жароҳатланган. Улардан икки нафарининг аҳволи оғир. Полиция маълумотларига қараганда, жиноятчилар камида икки киши бўлишган. Айни пайтда бир неча гумондорлар ҳибсга олинган.

## Лавозимидан фойдаланган

***Перу суди мамлакатнинг собиқ раҳбари Альберто Фухиморини 6 йилга озодликдан маҳрум этди.***

У ўз хизмат лавозимини суиистеъмол қилганликда айбдор деб топилди. Масалан, мамлакат разведка хизмати бошлиғи Владимир Монтесиноснинг хотини уйидан тинтув пайтида топилган видеотасмалар Фухимори буйруғи билан олиб қўйилган. Бу тасмаларда Монтесинос томонидан мухолифат аъзолари ва ОАВ вакилларига пора берилаётган жараён акс этган.

## Жазоирда портлашлар

***Сешанба куни Жазоир пойтахтида мамлакат Олий суди ва БМТ қочқинлар бўйича агентлиги биноси ёнида кучли портлашлар содир этилди.***



Натижада 76 киши ҳалок бўлди. Уларнинг 10 нафари БМТ ходими эканлиги аниқланган. Мазкур терактларни икки камикадзе амалга оширган.

«Ал-Қоида» ташкилоти ушбу хунрезликни ўз зиммасига олди. Камикадзелар сурати ва уларнинг исм-шарифи ташкилот сайтига жойлаштирилган.

## Яна дисклар йўқолди

Буюк Британияда автомобиль ва ҳайдовчиларга сертификат берувчи агентлик ходимлари олти минг шахс ҳақидаги маълумотлар жамланган иккита компакт-дискни йўқотиб қўйишди. Агентлик вакилининг билдиришича, маълумотлар кодланмаган ва улар билан ҳар қандай одам танишиши мумкин. Бундан ташқари, йўқолган дискларда етти ярим мингга яқин автомобиль, уларнинг русуми, ранги, эгасининг исми ва манзили тўғрисидаги маълумотлар бор эди.

Эслатиб ўтамиз, шу йилнинг ноябрь ойида ҳам шунга ўхшаш воқеа содир бўлганди. Болалар нафақасини олувчи 7,5 миллион оила ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилган диск изсиз ғойиб бўлганди. Шу муносабат билан мамлакат бош вазири Гордон Браун ва молия вазири Алистер Дарлинг Буюк британияликлардан кечирим сўраган эди.

## Амалиётлар тўхтамаган бўлса-да...

**Исроил армияси Ғазо минтақасида ўтказган ҳарбий амалиётлар чоғида олти нафар фаластинлик йўқ қилинган. Лекин шунга қарамай, Аннаполисда томонлар ўртасида имзоланган декларацияга мувофиқ Фаластин-Исроил ўртасидаги музокаралар бекор қилинмади. Бироқ, Исроил армиясининг мазкур хатти-ҳаракатини Фаластин ҳукумати кескин танқид қилиб чиқди.**

## Инфляция чўққига чиқди

***Хитойда инфляция даражаси охирги ўн бир йилда мислсиз даражага кўтарилди.***



«The Financial Times» газетасининг ёзишича, мамлакатда нархлар ўтган 12 ой давомида 6,9 фоизга кўтарилган. Хусусан, озиқ-овқат нархларининг кўтарилиши инфляция даражасини ошириб юборди.

Нархларнинг ўсишини пасайтириш мақсадида Хитой Марказий банки жорий йил давомида қайта молиялаштириш ставкасини 5 маротаба кўтарди. Лекин бу тадбир ҳам инфляцияга таъсир кўрсатмади.

## Табиат инжиқлиги туфайли

***АҚШнинг Миссури, Оклахома, Иллинойс ва Канзас штатларида ёққан кучли ёмғир туфайли бир ярим миллион тураржой бинолари электр энергиясиз қолди.***

Метеорологларнинг таъкидлашича, ҳафтанинг ўрталаригача шундай об-ҳаво сақланиб туради.

Ёмғирдан сўнг ҳарорат пасайиб кетгани учун ерда икки сантиметргача муз пайдо бўлди. Чикаго аэропортида 400 га яқин рейс қолдирилди. Йўл-транспорт ҳодисаси туфайли бир кунда 13 нафар киши ҳалок бўлди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***


МТС

## *МТС янги хизмати:* «ТЎППА-ТЎҒРИ ЎТКАЗИШ»

***Ҳар биримиз дўст ва яқинларимиз ҳисобида пул қолмаганлиги туфайли уларнинг телефонлари ўчирилганлиги учун қўнғироқ қила олмаган ҳолатларга дуч келганмиз. Ёки аксинча, қўнғироқ қилмоқчи бўлганингизда ҳисобингизда пул қолмаганлиги маълум бўлади. МТСнинг янги хизмати сизга яқинларингиз ҳисобини тезда тўлдириш, шунингдек, дўстларингиздан ҳисобингизни тўлдиришни сўраш имкониятини беради.***

**«Тўппа-тўғри ўтказиш»** хизматидан фойдаланиш жуда оддий ва қулай. Фақатгина ***112*халқаро кўринишда телефон рақами*пул миқдори#** рақамларини териб, қўнғироқ қилган ҳолда, МТС абоненти ўз ҳисобидан дўсти ҳисобига пул ўтказиши мумкин. Абонентлар фақат бутун миқдорда (1, 2, 3, 4 ёки 5 АҚШ доллари) ўтказишлари мумкин. Бир марта пул ўтказиш нархи — 0,04$.

1030909 рақамли абонент ҳисобига $5 ўтказиш учун рақамлар қуйидагича терилади: ***112*998971030909*5#**

Агарда сизнинг ҳисобингизда пул қолмаган бўлса, албатта, дўстларингиздан ҳисобингизни тўлдириш ҳақида сўрашингиз мумкин. Бунинг учун ***116*дўстингизнинг халқаро кўринишдаги телефон рақами#** ни териб, қўнғироқ қилишингиз керак. Шундан сўнг, сиз кўрсатган рақам абонентига ҳисобингизни тўлдириш ҳақида хабар боради.

**Шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, «Тўппа-тўғри ўтказиш» хизмати фақат МТСнинг бир филиалида рўйхатга олинган абонентлар учун амал қилади.**

***Пул ўтказишдаги асосий қоидалар:***

- *пул ўтказувчи бир кеча-кундуз давомида $20дан ортиқ бўлмаган пул миқдорини ўтказа олади;*
- *пул ўтказувчининг ҳисобида ўтказмадан кейин $3дан кам маблағ қолса, улар пул ўтказишлари мумкин бўлмайди;*
- *пул ўтказмасидан кейин олувчининг ҳисобида $10дан ортиқ бўлмаслиги лозим;*
- *пул олувчи бир кеча-кундуз давомида фақат 5 тагача пул ўтказмасини олиши мумкин.*

**МТС янги «Тўппа-тўғри ўтказиш» хизмати билан абонентлар доимо алоқада бўладилар!** t



# KOFE ICHASIZMI?



Ko'p vazifali WorkCenter Pro 128 printeri.
Barcha ofis ishlarini o'zi bajaradi. Faqat kofeni o'zingiz qilishingiz lozim.
Xerox. Zamonaviy yondashuv.

- Maxfiy, sinov uchun chop etish va keyinga qoldirilgan chop etish
- Chop etish ishlarini hisobga olish, chop etishda maksimal maxfiylik rejimi



- Chop etishning amaldagi maydaligi 1200 x 1200 dpi Samarali ishlash uchun 100 dan ortiq konfiguratsiyalar mavjud
- Interfaol foydalanuvchi interfeysi, tarmoq skanerlashi, e-mail da skanerlash, faks-server ishlashi



XEROX.

www.xerox.ru | Technology | Document Management | Consulting Services

Ташкент: "UCD Micros" (99871) 281 43 58, 281 43 61; "Sharifa T" (99871) 137 68 03.

mahsulot sertifikatlangan

1820Н/1644


## ТАДБИРКОР ҲИММАТИ

*Бекободлик тадбиркор Зуҳриддин Ўрмонов туман маркази — Зафар қўрғончасидаги "Ором" номли эски умумовқатланиш шохобчасини тубдан қайта қуриб, 100 ўринли иккита чойхона ва ошхонадан иборат кўркам мажмуага айлантирди. Уни ишга тушириш арафасида эса эл-юртга дастурхон ёзиб, "Гулистон", "Бўстон" ва "Бешюз" маҳаллаларида яшовчи кам таъминланган оилалар фарзандларидан тўрт нафарининг суннат тўйини ўз ҳисобидан ўтказиб берди. Шунингдек, кичкинтойларни шахсий совғалар билан сийлади.*

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


"INTEGRAL ASIA"

DELL™

**Ноутбукларининг бутун линейкаси**

**Мобиллик ва хавфсизлик**
**Технологиялар баркамоллиги**



**3 йилга тўлиқ кафолат!!!**

**Dell Inc нинг фақат ягона дистрибьютори INTEGRAL ASIA МЧЖдан**

**Тел.:120-30-27, 120-30-28, факс 120-30-26**



### Электр энергиясидан фойдаланувчи корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги «Электр энергияси сотилиши ҳамда ундан фойдаланишни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар» тўғрисида»ги 512-сонли қарорига асосан, сиздан 2008 йил 1 январга қадар электр энергиясининг индукцион электр ҳисоблагичларини электр энергиясининг автоматлаштирилган назорат ва ҳисобга олиш тизимига (АСКУЭ) уланиши кўзда тутилган замонавий электрон электр ҳисоблагичларга алмаштириш талаб этилади.**

**Юқорида кўрсатиб ўтилган шартларни бажармаган корхона ва ташкилотларга электр энергиясини бериш тўхтатилади ва электр энергиясини етказиб бериш ҳамда ундан фойдаланиш учун шартнома бекор қилинади.**

***«Тошкент шаҳар электр тармоқлари» корхонаси маъмурияти.***

1809Я/2206



МАЗ

### МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ



**«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.**

### МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

амкодор

**(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.**



***Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.***

Маҳсулот сертификатланган

**Манзил: 100005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 291-64-06, 291-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru**



**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!**

**Тошкент ш., Собир Раҳимов тумани, М.Ўрозбоев к., 1-«А» уйда жойлашган**

### «РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ

**нархлари ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Савдога Тошкент шаҳар хўжалик судининг 11-0622/11462-сонли иш юзасидан 2007 йил 12 сентябрдаги қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган ва «Металлопластмасс» ОАЖ кредиторларининг 2007 йил 11 октябрдаги йиғилиши қарорига кўра, тугатиш бошқарувчиси томонидан Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 215-уйда жойлашган, «Металлопластмасс» ОАЖнинг мол-мулклари мулкий мажмуа сифатида, бошланғич баҳоси ўзгармаган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 432 000 000 сўм.***

Аукцион савдолари 2008 йилнинг 10 ва 17 январь кунлари соат 11.00 да ушбу мулкий мажмуа сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

**Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» Собир Раҳимов филиалидаги МФО 00901, ИНН 200933850, 20210000500571452105 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.**

**Қўшимча маълумотларни 228-7952 телефони ва www.rkmb.uz сайтидан олиш имкониятига эгасиз.**

Лицензия: RB 001 №000004.



### «ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ МАРКАЗИ

***ўз мижозларига шуни маълум қиладики, 2007 йилда тузилган, иш ҳажми ва амал қилиш муддати 2007 йил 31 декабргача бўлган мажбуриятлари амалга оширилмаган, мижозлар айби билан бажарилмаган шартномалар бекор қилинади.***

**Бекор қилинган шартномалар бўйича барча шикоятлар 2007 йил 31 декабргача қабул қилинади.**

**Мижозлар айби билан бажарилмаган шартномалар бўйича МХКМ ДК кредитор қарзлари 2008 йилнинг биринчи чораги давомида қайтарилади.**

**МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 150-26-03, 150-26-02, ФАКС: 150-26-15. E-mail: metrolog@sarkor.uz**

1535Я/1845



### ТАШКИЛОТ ИШЛАТИЛГАН ҚУЙИДАГИ ЖИҲОЗЛАРНИ НАКД ПУЛ ЁКИ ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН СОТАДИ:

| Т/р | Жиҳоз номи | Русуми | Сони (дона) | Бошланғич нархи (сўм) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Совутгич шкаф (холодильный шкаф) | XIII — 12 | 1 | 1 299 822 | соз ҳолатда |
| 2. | Совутгич шкаф (холодильный шкаф) | XIII—12 | 1 | 742 755 | носоз ҳолатда |
| 3. | Электр плита | ЭПМ — 3М | 1 | 256 528 | соз ҳолатда |
| 4. | Мажлислар зали ўриндиқлари | театрга мўлжалланган | 283 | 63 204,12 | яхши ҳолатда |

**Маълумот учун телефонлар: 139-18-49, 139-11-98.**

